


**UZA** | O'zbekiston  
Milliy axborot  
agentligi



**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА  
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ**

**(ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)**

**2021 ЙИЛ МАЙ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА  
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)**

**Илмий нашр**

**2021 йил май ойи сони**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2019 йил 28 мартдаги 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилмайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим ораликдаги материаллар “Microsoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

**Таҳрир кенгаши**

|                  |                 |
|------------------|-----------------|
| А.Кўчимов        | Б.А.Назаров     |
| М.Жўраев         | А.Асқаров       |
| А.С.Сагдуллаев   | Д.Ю.Юсупова     |
| С.С.Ғуломов      | А.Х.Саидов      |
| Ф.Г.Назиров      | Т.Ў.Арипова     |
| Р.Д.Курбанов     | Қ.Р.Аллаев      |
| М.Ҳ.Рустамбоев   | С.М.Туробжонов  |
| Ш.Т.Қудратхўжаев | И.С.Саифназаров |
| Н.А.Хусанов      | Г.А.Мардонова   |

Манзилмиз: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй  
Тел: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71

## МУНДАРИЖА

### *Иқтисод*

|   |    |
|---|----|
| <b>Д.Н.ХУСАНОВ, З.Ф.УМАРОВА.</b> Благоприятный инвестиционный климат Республики Узбекистан-----   | 5  |
| <b>Л.К.КЎПАЙСИНОВА.</b> Баҳолаш фаолияти регулятив механизмининг жаҳон ва Ўзбекистон амалиёти хусусиятлари-----   | 13 |
| <b>А.Б.ЖАНИКУЛОВ, Ф.Н.АБДУЛЛАЕВ, С.И.ДАМИНОВ.</b> Темир йўл транспортида техноген хусусиятли фавқуллода вазиятлар, ҳалокатлар ва аварияларнинг иқтисодиётимизга зарари----- | 24 |
| <b>М.С.АЛИҚУЛОВ.</b> Суғурта компанияларининг инвестиция салоҳиятини ошириш масалалари-----   | 33 |

### *Юридик*

|   |    |
|---|----|
| <b>Н.А.ХУШВАКТОВА.</b> Жиноятнинг сабаб ва унинг содир этилишига имкон берган шароитларни бартараф этиш юзасидан тақдимномаларнинг жамоатчилик томонидан ижро этилиши масалалари----- | 45 |
| <b>М.С.ҚОДИРОВ, Ш.Қ.ЛУТФУЛЛАЕВ</b> Коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришда ўқув жараёнининг ўрни-----   | 56 |
| <b>Р.Х.КУШЕРБАЕВ.</b> Коррупцияга қарши кураш масалалари: олий таълим тизими мисолида-----  | 66 |
| <b>С.Н.АЗИМОВ.</b> Айбга иқдорлик тўғрисида келишув институти: муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари-----   | 75 |
| <b>Ж.И.МАХМАТҚУЛОВ.</b> Ўзбекистонда иккинчи жаҳон уруши йилларида ички ишлар органлари фаолияти-----   | 84 |

### *Филология*

|  |     |
|--|-----|
| <b>Б.М.РАҲМОНОВ.</b> Эртақ ижодкорлиги анъаналарининг барҳам топиши сабаблари-----   | 95  |
| <b>Б.МУҲИДДИНОВА.</b> Сайидахмад Васлий Самарқандий: мадраса таълими қандай бўлиши керак?-----                                 | 106 |
| <b>С.Х.ХЎЖАҚУЛОВ.</b> Маърифатпарварлик ва жаҳид шеърлятида бадий тасвир воситаларининг функционал ўзгариши-----               | 118 |
| <b>Ҳ.М.ХУДОЙМУРОДОВА.</b> Ижодкорнинг бадий тасвирий воситалардан фойдаланиш маҳорати (Нодир Норматов ижоди мисолида)-----     | 132 |
| <b>К.Х.АВИЛОВА.</b> Терминологиянинг долзарб мумммолари-----   | 141 |
| <b>Ю.ЗИЯЕВА.</b> Алишер Навоийнинг “Хамса” дostonларида нафс талқини--   | 149 |
| <b>Д.М.ТАМИКАЕВА.</b> Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» дostonида арабча ўзлашма фразеологизмларнинг қўлланилишига доир----- | 161 |
| <b>З.Р.ТИЛЛАБАЕВА.</b> Самарқанд шаҳри шеваларида қўлланадиган баъзи бир фразеологизмларнинг ўзига хос хусусиятлари-----       | 170 |
| <b>А.Ҳ.АХМАТОВ.</b> Бухоро адабий муҳити ва Шариф Нурхон-----  | 180 |
| <b>М.И.СУЛАЙМАНОВА.</b> Ўзбек ва қирғиз айтишувларининг ўзига хослиги ва уларда тақинчоқлар образининг берилиши-----           | 186 |

## АЛИШЕР НАВОЙНИНГ “ХАМСА” ДОСТОНЛАРИДА НАФС ТАЛҚИНИ

**Юлдуз Темирхоновна ЗИЯЕВА**

ўқитувчи

Алишер Навоий номидаги  
ўзбек тили ва адабиёти университети  
Тошкент, Ўзбекистон

[ziyayevayulduz@navoiy-uni.uz](mailto:ziyayevayulduz@navoiy-uni.uz)

### Аннотация

Мақолада Алишер Навоийнинг “Хамса” достонларида нафс тушунчасининг талқини, нафснинг турли образлар мисолида инсонга хос салбий қусур эканлиги таҳлил қилинди. Нафснинг ҳар қандай кўриниши тасаввуфда ҳам танқид қилиниши, Навоийнинг ижоди ҳам айнан тасаввуфдан келиб чиққан ҳолда белгиланиши, достондаги турли образлар мисолида нафснинг қораланиши назарий жиҳатдан асослаб берилди.

**Таянч сўзлар:** нафс, нафснинг қораланиши, ишқ, нафсни енгиш қуроли, тасаввуф, комил инсон, нафсоний истаклар, рамзий тимсоллар.

## ТРАКТОВКА ПОНЯТИЯ СТРАСТЬ В ЭПОСЕ АЛИШЕРА НАВОИ “ХАМСА”

**Юлдуз Темирхановна ЗИЯЕВА**

преподаватель

Университет узбекского языка

и литературы

имени Алишера Навои

Ташкент, Узбекистан

[ziyayevayulduz@navoiy-uni.uz](mailto:ziyayevayulduz@navoiy-uni.uz)

### Аннотация

В статье анализируется трактовка понятия «страсть» в эпосе Алишера Навои «Хамса», раскрывается, что страсть – отрицательная черта человека на примере различных образов. Теорически обоснована критика любых форм страсти в мистицизме, и что творчество Навои, рассматривается с точки зрения мистицизма, а также осуждения страсти на примере различных образов в эпосе.

**Ключевые слова:** страсть, осуждение страсти, любовь, оружие преодоления страсти, мистицизм, совершенный человек, похотливые желания, символы.

“Хамса” дostonларининг ҳар бирида ўзига хос услуб, масала ва муаммолар бор. Аммо асосий мавзу – комил инсон. Навоий инсонни комиллик рутбасидан тубанлик ботқоғига улоқтирадиган энг ёвуз душман – нафс, унинг инсонни қандай енгишию, инсон нафсни қандай мағлуб этиши масалаларини ўзгача йўсинда ёритиб берган. Инсоният, жамият мавжуд экан, унда ижобий ва салбий хусусиятлар у ёки бу даражада яшайди. Навоий ҳар доим инсонларни яхшиликка чорлаган. Замондош ҳукмдорлар, фуқаролар, олиму фузалоларга ҳар доим нафсдан тийилиш, дунё молига хирс боғламаслик, бориға шукр қилиб, бу ҳаётда пок яшаш, инсонийликни йўқотмаслик кабиларни уқтиради. Негаки, инсон зоти ўз нафсига берилдими – имонини йўқотади, имонини йўқотдими – у ҳақиқий инсонлар сафидан четлашади.

Маълумки, Ислom динига асосланувчи тасаввуф таълимотининг бош мақсади комил инсонни тарбиялашдир. Тасаввуф вакиллари руҳий, маънавий жиҳатдан қалб поклигига эришган кишини комил инсон даражасида кўради.

Нафс ва унинг қораланиши ҳақида сўз юритар эканмиз, гарчи Навоий “Нафс” ҳақида алоҳида асар ёзмаган бўлса-да, бутун ижодий меросида хоҳ тасаввуфий маънода, хоҳ дунёвий талқинда нафс тушунчасига дуч келамиз. Мутафаккир томонидан нафс аёвсиз қораланганлигининг гувоҳи бўламиз. Буюк шоирнинг барча асарларида нафсдан тийилишга ундаш алоҳида аҳамият касб этади. “Инсон табиатидаги салбий кучларнинг ўзини намоён этиши – нафс туфайли. Ундан қутилишнинг бирдан-бир йўли нафсни ўлдириб, сабр-қаноат билан ҳалол яшаш, рух, яъни иродани чиниқтира бориб, инсонийликка, демакки илоҳийликка эриша боришдир” [7;6] талқини ҳам Навоий ижодида нафснинг қораланишига хос. Алишер Навоий худди шундай қарашларни “Хамса” таркибидаги дostonлар мазмунига чуқур сингдирган.

Навоий “нафс” тушунчасини турли маъноларда ишлатган, тимсол ва образлар орқали мазмун-моҳиятини очиб берган. Жумладан, “Ҳайрат ул-аброр”да нафсни қуйидаги маъноларда талқин этган: 1)ейиш-ичишга бўлган

нафс; 2) мол-дунёга бўлган нафс; 3) маишатбозлик билан боғлиқ нафс; 4) нафс – бу дунё ноз-неъматлари, зеб-у зийнатлар, кийим-кечакка бўлган хирс-у хавас; 5) инсондаги барча қора иллатлар – нафс; 6) нафс – бу кибру ҳаво, такаббурилик, ҳаволаниш; 7) нафс – дунё, яъни моддий олам; 8) нафс – ўзлик маъносида ишлатилган.

Достоннинг биринчи мақолатида имон ҳақида сўз боради. Маълумки, инсон учун имоннинг тозалиги унинг инсонийлигини белгилаб берувчи биринчи омилдир. Шоир имоннинг олти қисмдан иборат эканлигини айтиб ўтиб, улардан иккинчиси “малаконий сифат”га эга бўлган фаришталарни шундай таърифлайди:

*Олтидан иккинчи – малойикни бил,*

*Борчага тасдиғи вужуд айлагил.*

*Билким эрур зойири афлок алар,*

***Нафснинг олойишидан пок алар [3;76].***

Ушбу байтлардан шуни билиб олиш мумкинки, нафс фақатгина инсонларга хос. Инсон имони бутун бўлиши учун худди фаришталардек нафс истакларидан покланишга интилиб яшамоғи зарур. “Шарқ мутафаккирларининг таърифларига кўра, ҳаёт дунёси, жонли нарсалар уч турли сифатга эга. Булардан бири шайтоний. Иккинчиси – ҳайвоний. Кейингиси малаконий, яъни софлик, покизалик сифати. Инсон шу уч сифат ва кувватнинг борлигидан яралган эмиш. Кимнинг вужудида агар ҳайвоний хирслар ғолиблик қилса, у албатта тилсиз махлуқларга яқин; шайтоний хислатлар эрк топса, иблисга ўртоқ; малаконийлик учун қайғурса, тоза табиат бўларкан” [8;100]. Инсон малаконий сифатга, яъни қалбан софлик ва покизаликка эга бўлмоқ учун, энг аввало, нафс – ички душманни енгиш, тирикчилик, айниқса, вужуд ташвиши олдида мағлуб бўлмаслиги керак.

Улуғ мутафаккир учинчи мақолатда султонлар тўғрисида гапираркан, уларни вужуд ташвиши олдида бутун мамлакат, халқни хароб қилмасликка чорлайди.

*Сен чу бўлуб сархушу хилватгарой,*

*Анда қилиб ҳар не тилаб **нафс-у рой**.*

*Базмдаги қари-ю гар худ йигит,*

*Майдин ўлуб ҳар бири бир телба ит.*

*Шайнда қоплондин агарчи фузун,*

***Нафс итининг** илгида лекин забун [3;92-93].*

Навоий шоҳларнинг маишатбозлик, ичкиликка ружу қўйишини нафсга бўйсунуш, деб билади. Ҳушёрликни йўқотган мамлакат ҳукмдори нафақат ўзини, қўл остидаги барча амалдорларни ҳам “нафс ити”нинг қўлига топширади. Кечаси билан еб-ичиб базм қилган сарой аҳли кундузи халқ конини ичиб, зулм қилиш билан шуғулланади. Шоир подшоҳларни бундай ишларни тарк этишга, адолат билан иш тутишга ундайди. “Нафс ити” истиоравий иборасини Навоий инсоннинг ўз ичи, яъни сийратидаги барча чиркин иллатларга нисбатан ишлатган. Иброҳим Ҳаққулов ўзининг “Занжирбанд шер қошида” китобида “нафс ити” истиориявий иборасининг келиб чиқишини қуйидагича изоҳлайди: “...тасаввуф шеърятда (поэтик образ) сифатида ит – бу нафс. Итлар эса нафс фарзандлари, яъни нафсоний хирслар” [8;169]. Нафс туфайли инсонда турли хил иллатлар пайдо бўлади. Ёлғончилик, найрангбозлик, макру хийла ҳам шулар жумласидан.

Достоннинг еттинчи мақолатини қаноат сифатига бағишлаган. Шу жойда нафсни тийиш орқали қаноат қилган инсоннинг даражасини кўрсатиб беради:

*Бўлмаса ҳам шукур ила қониъ бўлур,*

*Базл ишидин **нафсига** қониъ бўлур [3;120].*

Шоир талқинича, бошига оддий қалпоқ кийган киши шоҳдир. Чунки у ҳеч нарсаси бўлмаганда ҳам, қаноат қилади; хайр-эҳсон қилиш билан ўз нафсини тияди. Қаноатли инсонгина нафс истакларини ман этиб имони комил даражасига етиши мумкин:

*Бўйла хаёлат ила қониъ бўлуб,*

*Истаридин **нафсига** моне бўлуб [3;123].*

Қаноатсиз киши эса нафсига бўйин эгиб охир ўзини ҳам йўқ қилади. Шоир нафс туфайли кибру ҳавога берилмаслик лозимлигини машҳур тасаввуф вакили Шайх Сухравардий образи орқали янада аниқроқ ифодалаб берган:

*Боғи фано гулбунда шухра вард,  
Улки анга гулшан эди Сухравард.  
**Нафсу ҳаво девига бермакка тоб,**  
Авжи ҳақиқат фалакида шитоб [3;165].*

Шайх Сухравардий халифа саройида ғоят кадрланади. Мартабаси улуғ бу зот бир куни саройда Ёқутни кўриб, ҳаяжонланганидан ўрнидан туриб кетади ва унга жой бўшатади. Гарчи Ёқут Шайх Сухравардийдан паст мартабали бир хаттот бўлсада, “Қуръон” кўчиришдек муборак ишни амалга оширади. Буни англаб етган Шайх Сухравардий “мансабим улуғ” деб кибру ҳавога берилмайди, бу ҳам нафс истакларига йўл очмасликнинг бир йўлидир.

Навоий йигирманчи мақолатида Султон Баддиуззамонга насиҳат қилар экан, нафсга шафқат қилмасликни уқтиради:

*Эмдики, мазлум сўзи чиқти туз,  
Золим агар **нафсинг** эрур, кўрма юз.  
**Нафским,** ул айши мудом истагай,  
Санга гунаҳ, ўзига ком истагай [3;229].*

Адолатли шоҳ мазлум сўзи тўғри чиқса, унга зулм қилган ўзига тегишли одам бўлса-да, золимга шафқат қилмаслиги лозим. Негаки, золимнинг зулми нафс туфайли, у банд қилинмаса, яна ва яна зулм қилишни истайверади.

“Хамса”нинг иккинчи достони “Фарҳод ва Ширин” бўлиб, бу дostonда “Ҳайрат ул-аброр”даги фикрлар ўзига хос тарзда давом эттирилган. Агар “Ҳайрат ул-аброр”да шоир нафсга қарши кураш туйғусини турли хил образлар қиёфасида очиб берган бўлса, бу дostonда Фарҳод образи орқали инсонни нафсни енгиб комил инсон даражасига етишувини тасвирлаб берган. “Фарҳод ва Ширин”даги образлар тасаввуфий маъноларга эга. Жумладан,

Фарход олишиб энган аждаҳо, Ахраман дев, темир одам шунчаки хаёлий, афсонавий образлар эмас, балки Фарходнинг ички оламидаги нафсоний истак, шайтоний интилишларнинг рамзларидир.

Тасаввуф таълимоти нафсни энгиш қуроли сифатида ишқни кўрсатади, нафс ва ишқ тушунчалари қарама-қарши қўйилади. Нафс ўз атрофига одам қалбидаги барча чиркин иллатларни йиғса, ишқ ҳам ўз атрофига инсондаги энг гўзал хислатларни жамлайди ва бир бутунликни ташкил этади.

Ушбу дostonда нафснинг қораланиши умумий характерга эга. Яъни нафс масаласи кўпроқ рамзий образлар, асар воқеалари орқали очиб берилиб, нафс сўзи фақатгина бир неча ўринда ишлатилган. “Суҳайло ҳам “донойи огоҳ” кўнгли бедор одам, у Фарход энгиб ўтиши керак бўлган тўсиқлар – аждарҳо ва девдан хабар беради. Аждарҳо – нафс тимсоли, дев салтанат тимсоли. Суҳайло Фарходга аждарҳони энгиш учун самандар ёғини тухфа этади... У ишқ рамзи” [2;184]. Суҳайло, Сукротдек улуғлардан ишқ сирларини, покланиш илмини ўзлаштирган Фарход кундалик ҳаётда дуч келадиган ўз нафсига кул Хусрав, Шеруя каби одам қиёфасидаги шайтонларга бас кела олади. Ширин Фарходни шоҳ Хусравдек бир инсондан устун кўргач, Хусрав алам ва қасд ўтида ёнади. Нима қилиб бўлса-да, Фарход ва Ширинни ажратиб юборади. Фарход ғорга қамалади, Ширин қамал қилинган шаҳарда қолади. Шоҳ Хусрав айрилиқдаги икки ошиқнинг мактубини қўлга туширади. Ширин ўз мактубида Фарходга умрбод вафо қилиши, ўз висоли билан асло Хусравни баҳраманд этмаслигини ёзган эди. Шоҳ Парвез инсоф билан ўйлаб кўрса, у ҳақ эди. Аммо Хусрав ўзини Ширин учун ҳақли деб ҳисоблайди. Фарходни банди қилиб ниятига эришолмагани, ўзидан кўра шу ном-нишонсиз гадони Ширин қадрлаб мактуб йўллагани нафсониятини қўзғайди. Буни шоир қуйидагича изоҳлайди:

*Ва лекин салтанат номусу номи,*

*Яна сурмак ҳавойи нафс коми.*

*Ани инсоф сари қўймайин ҳеч,*

*Солиб кўнглига фикри печ-дарпеч [2;278].*

Навоий фикрича, Хусравга бу иш жуда-жуда ёмон таъсир қилади. Аслида шоҳ ҳар қандай вазиятда ўз манфаатидан кечиб бўлса-да, адолатли қарор чиқариши керак. Аммо шоҳ ўз манфаатини ўйласа-чи? Шоҳ Хусравнинг ҳам адолатли қарор чиқаришига “ҳавойи нафси” йўл қўймайди. Ҳасад, алам, кўролмаслик Шопурни занжирбанд этиб, Фарходни йўқ қилишга чорлайди. Хуллас, нафс уни инсоф томон ён босишга йўл қўймайди. Хусрав Фарходни макру хийла билан ўлдиргач, “Ширин меники бўлади” деган фикр уни севинтиради-ю, чарх Фарход қасосини олишидан ҳам кўрқади. Лекин ҳирсу ҳавасини бошқара олмайди. Шу ерда Хусравнинг нафс бандаси эканлиги яққол кўзга ташланади. Хусравнинг нафси туфайли Фарход ўлдирилди, Ҳазрат Навоийнинг ҳукмича, ўша нафс бир кун Хусравни ўзини ҳам ҳалок этади:

*Келиб чун жаҳл золиб, нафс толиб,*

*Бўлуб ул **нафс** жўёйи матолиб [2;300].*

Мазмуни: лекин унинг (Хусравнинг) жаҳли устун, нафси талабчан бўлиб, ўша нафснинг ўзи уни мақсад сари бошлаб қолди. Ўзи бировга тутган бу заҳарли пиёла унинг ўзининг иштаҳасини ҳам тугатиб қўйишини у билмас эди. Пилик доғ солиш учун ҳар нафас ўт солгани билан, куйдира-куйдира ўзи ҳам куюди-ку! Бир кишига илон заҳр ургани билан у захмнинг ўзи илоннинг ҳам ўлишига сабаб бўлади.

Дарҳақиқат, нафс худди оловки, инсоннинг қалбини куйдириб охир уни йўқ қилади. Хусрав қилар ишни қилиб бўлгач, орқага қайтмасликка қарор беради.

*Деди: “Бу иш керакмас эди мундоғ,*

*Чу бўлди, бўлмас ишда сует бўлмоқ” [2;301].*

У бир неча ишбилармонини қайси йўл билан бўлмасин, Меҳинбону ва Ширинни олиб келишга жўнатади. Куч ишлатиш, мажбурлаш бу ҳақиқий ишқнинг эмас, ҳирсий нафснинг истагидир. Хусравнинг бу ҳаракати унинг Ширин муҳаббатига нолайиқ эканини яна бир бор исботлайди.

Фарҳоднинг ишқи эса пок, ўзгача. У ишқ тарҳини бунёд этиш учун бу йўлда ҳамма нарсадан, шоҳликдан, диёру хонимонидан, жаҳондан ва жонидан ҳам кечди.

*Муроду орзудан тортибон қўл,*

*Ҳавойи нафс сори тутмайин йўл [2;318].*

У пок ишқ йўлида орзу-ҳавас, “ҳавойи нафс” истакларидан воз кечди. Ва ҳақиқий ошиқлик ила ўзидаги барча нафснинг ножоиз истакларини ўлдириб Ҳаққа етишди.

“Ҳамса” достонларининг учинчиси бўлмиш “Лайли ва Мажнун” достонида “Фарҳод ва Ширин”да бўлгани каби заминий (мажозий) муҳаббатнинг илоҳий (ҳақиқий) ишққа эшлигининг гўзал бадиий ифодаси берилган. Достонда муаллиф илоҳий ишқни куйларкан, буни қаҳрамонларнинг руҳият тасвири орқали очиб беришга ҳаракат қилган. Достонда севги билан ҳирс, садоқат ва мунофиқлик, номус ва орсизлик, хайрихоҳлик ва худбинлик, адолат ва разолат ўртасида кураш боради. Нафснинг қораланиши шоирнинг Аллоҳга муножати ўрнида, севги мавзусида, Лайли ва Мажнуннинг ишқий-фожиавий саргузаштида, ижобий ва салбий қаҳрамонлар қиёфаси, уларнинг хатти-ҳаракати ва феъл-атвори орқали очиб берилади.

Шоир ишқ дардига мубтало бўлган Мажнунни тасвирлар экан, уни нафснинг барча истакларидан воз кечганлигини айтиб ўтади:

*Андух еб, этиб жафо майи нўш,*

*Ичмак-емаги бўлуб фаромуш.*

*Кўз ёшидек ўлмай оромида,*

*Жайрон киби халқдин рамида.*

***Нафс итлигидин кечиб тамоми,***

*Даит узра кийик мутиу роми [4;103].*

Мажнун ишқ дардига мубтало бўлгач, тоғу биёбонларда ичмоқ ва емоқни ҳам унутиб, ғамдан озиқланар, жафо майини ичарди. У кўз ёшлари тинмас жайрон каби одамлардан ҳуркиб қочади. У одамлардан узоқлашиб,

нафс итлигидан кечиб даштдаги кийиклар билан улфатлашади. Мажнуннинг Лайлига бўлган муҳаббати шунчалик кучли: хаттоки ейиш, ичишни ҳам унутади. Нафс итлигидан кечиб ҳайвонлар билан дўстлашишнинг ўзиёқ унинг ҳавас дунёси ва одамлардан холи, ўзгача оламга қадам қўйганидан далолатдир. Мажнун нафсга бўйин эгмасдан илоҳийлик сифатларини ўзида мужассам этган эди.

“Хамса”нинг тўртинчи достони “Сабъаи сайёр”да ҳам ишқ ва ошиқлик, шоҳлик билан боғлиқ ўринларда яна ўша баттол нафс қораланади. Ишқий-саргузашт қисса бўлмиш “Сабъаи сайёр”да кулон (гўр) овига ҳаддан ташқари ружу қўйганлиги учун Шарқ адабиётида Баҳром Гўр номи билан машҳур бўлган етти иқлим шаҳаншоҳи Баҳром тақдири мавзу қилиб олинган.

Асарнинг тўққизинчи бобида шоир Султон Ҳусайн Баҳодирхон мадҳини келтираркан, ўзи орзу қилган идеал шоҳни унинг қиёфасида кўради. Салтанат ҳавасидан кўра фақир султонлигини афзал кўрувчи Ҳусайн Бойқаро образида нафсга тобе бўлмаслик йўлларини кўрсатади.

*Май ичиб беҳисобу маст ўлмай,*

*Нафс ҳукмига зердаст ўлмай [5;45].*

Шу ўринда шоир майни икки хил маънода ишлатган. Юқоридаги байтда айтилишича, Султон Ҳусайн беҳисоб май ичса-да, маст бўлиб нафсига бўйин эгмайди. Бу тасаввуфий маънода фано учун сабаб бўлади ва шоҳга нуру сафо ато этади. Аммо ҳар бир қадахда сафо бўлмайди, дейди шоир. Шунинг учун ҳам уни дам-бадам ва кам-кам ичмоқлик лозим. Бунда эса май ичимлик, шароб, яъни – кишини маст қилиб йўлдан оздирадиган бир нарсадир.

Навоий Баҳром Гўр образида май ичишнинг нақадар аянчли оқибатларга олиб келишини, майга, шухратпарастликка муккасидан кетиш ҳалокат ёқасига етаклашини шоҳнинг барча аскару яқинлари билан ер ўпирилиб ютиб кетиши тасвири билан исботлаб берди. Баҳром Гўрнинг ҳалокатини майга бўлган нафс бошлаб берди. У маст, сархуш ҳолатда Дилоромни жазога ҳукм этди. Ўзига келганда афсус-надоматда қолди.

Ваҳоланки, Дилоромга шоҳ Баҳром осонлик билан етишмаган эди. Достоннинг XII бобида шоҳ Баҳром рассом Монийдан Дилором дарагини эшитгач, унга ғойибона ошиқ бўлади. Хитойнинг бир йиллик хирожини тўлаб, уни қўлга киритмоқчи бўлганда, аркони давлат фикридан қайтаради. Нафс ўпқонига ўзини отиб халқ ва мамлакатни хароб этмаслигини сўрашади:

*Нафс комиға изтироб этма,*

*Ўзни-ю мулкни хароб этма [5;61].*

Аmmo Баҳром ўз фикридан қайтмасдан, Дилоромни сотиб олади. Навоий Баҳромнинг Дилором висолига бўлган интилишини нафснинг истаги деб билади. “Тасаввуф ва Инсон” китобида “Қуръон”да зикр этилган нафснинг уч тури кўрсатилади: “... нафси аммора (буюрувчи) – энг тубан нафс. Ҳар доим ҳавас ва истакларга берилган бўлиб, хамиша инсонни ёмонликларга чорлайди; нафси лаввома (маломат қилувчи) – юракка тушган ғайб нури орқали оқибати ёмонлигини англаб олиб, бажарилган ишлар учун нафси амморани маломат қилиб турувчи ва камолот томонга интилувчи нафс; нафси мутмаинна – олий фазилатлар касб этиш билан барча разилликлардан ўзини сақлаган, нафсоний истакларга қарши туриб, камолга етгандан кейин ором топган нафс ” [1;100].

“Хамса”нинг яқунловчи достони бўлмиш “Садди Искандарий”да ҳам нафс қаттиқ қораланади. Шоир достонга қўл урар экан, Искандар тарихини ёзишни мақсад қилган эмас, балки Искандар билан боғлиқ воқеалар моҳиятини очиб беришни ният қилади. Асарнинг номланиши ҳам ўзгача. Кўп мамлакатларни олиб, у ерларда тинчлик, осойишталик, адолат ўрнатган Искандар тарихий Александр эмас, бутунлай бошқа – адолатпарвар, донишманд, буюк инсонпарвар шахс. Искандар Қирвон ўлкасида халқнинг одамхўр Яъжуж-маъжужлардан азият чекаётганини кўриб, уларнинг талаби билан Қоф тоғида яшовчи бу ваҳшийларнинг йўлини тўсиб девор қурдиради. Девор форс тилида “сад” дейилади. Шу сабаб бу деворни Садди Искандарий – Искандар девори деб атайдилар. Рамзий маънода эса бу эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги девордир. “Шу билан бирга, Яъжуж-маъжуж ҳам тўймас ва

тийинмас нафс рамзидир. Искандар улар йўлига девор қуриб, балойи нафс йўлини тўсди” [6;176]. Яъжуж-маъжуж Навоий наздича, фақат нафснинг тимсолигина эмас, жаҳолат, ёввойилик рамзи. Инсонийликдан йироқ баднафс махлуқлардир.

Достоннинг XXX бобида Навоий Арасту тилидан нафсни қоралайди. Айни пайтда бу улуғ шоирнинг фикрлари эди:

*Вале қилмоғи нафсига шоқ эрур,  
Суҳулат сари нафс муштоқ эрур.  
Қачон нафс ўз комин этти ҳаво,  
Қилур элни кўп нафъдин бенаво* [6;146].

Достонда, шунингдек, Арасту ҳаким тилидан Искандарга берилган насиҳатлар ўрнида, болалик ва ўспиринлик даврида кишининг нафсга берилиши сабаб ўйин-кулгуга ружу қўйиш кўпроқ кузатилади, деган фикрлар ҳам айтилган. Ҳазрат Навоий “Садди Искандарий” достонида адолатли шоҳнинг авфи, яъни гуноҳларни кечириб қўл остидагиларга қарам кўрсатиши ҳақида сўзлар экан, гуноҳкорнинг бу аҳволга тушишига сабаб қилиб унинг нафсини кўрсатади. Ҳар не гуноҳга бошлайдиган бу – нафс.

*Ғараз нафсдин анга бу шумлуқ,  
Йўқ улким, санга қилса маҳкумлуқ* [6;230].

Мазмуни: унга юз берган бу шумлик сенга маҳкум бўлишни ният қилганидан эмас, йўқ, ўз нафсининг балосидан бўлди. Шоирнинг фикрича, гуноҳкор нафсга бўйсуниб гуноҳ қилганда қўлга тушиб қолиш ҳақида асло ўйламайди! Балки у муқаррар жазога тортилишини билса, ўйлаб иш қилган бўлиши мумкин эди. Оддий халқ ичида эса шоҳнинг қўлига тушиб қолиб, жазо олиш ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўрмайдиган майда гуноҳкорлар жуда ҳам кўп. Уларнинг ҳаммасини шоҳ ўлимга ҳукм қилолмайди. Вақти келганда ҳатто гуноҳкорнинг ҳам бошини силашга, адолат қилишга тўғри келади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Навоийнинг “Ҳамса” мажмуига кирган достонларида нафс жуда кўп ўринлар, турли кўринишлар, қаҳрамонлар талқинида намоён бўлган. Навоий тасаввуфий маънода ҳам, инсоний маънода

хам нафсни башариятга душман, деб билган. Илмий жиҳатдан қаралганда, нафс тушунчаси айнан “Хамса” дostonларида етакчи мавзулардан бири. Чунки дostonларда илоҳий ишққа эришиш, комиллик манзилларини кўзлаш бевосита нафсни енгиш билан боғлиқ ҳолда талқин қилинган.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Jo‘zjoniy, Abdulhakim Sha’riy. Tasavvuf va Inson. – Toshkent: Adolat, 2001. – 192 b.
2. Navoiy, Alisher. Farhod va Shirin. – Toshkent: G‘afur G‘ulom, 2006. – 536 b.
3. Navoiy, Alisher. Hayrat ul-abror. –Toshkent: G‘afur G‘ulom, 2006. – 392 b.
4. Navoiy, Alisher. Layli va Majnun. –Toshkent: Gafur G‘ulom, 2006. – 320 b.
5. Navoiy, Alisher. Sab’ai sayyor. – Toshkent: G‘afur G‘ulom, 2006. – 440 b.
6. Navoiy, Alisher. Saddi Iskandariy. –Toshkent: G‘afur G‘ulom, 2006. – 829 b.
7. Mamiraliyev Q. Navoiyning yetti vodiysi. // “Akademik Azizxon Qayumovning ilmiy-ijodiy merosi” mavzusida respublika ilmiy-nazariy anjumani materiallari. – Toshkent, 2021.
8. Haqqulov I. Zanjirband sher qoshida. – Toshkent: Yulduzcha, 1989. – 224 b.

Мухаррир:

**Г.А.Мардонова**

Таржимон:

**З.Т.Бобоева**

Техник мухаррир:

**А.А.Назарқулов**

Илмий мақолаларда келтирилган факт ва рақамлар учун муаллифлар жавобгардир.

Илм-фан ва инновациялар бўлими (71 233 09 21; 99 833 62 71)

**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА Илм-фан бўлими  
(электрон журнал)  
2021 йил, май сони**

**Манзил: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй**